



ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

MSK SAYLOV 2024 27-OKTABR

Сайловга 64 КОЛДИ

Жорий йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастури лойиҳасини такомиллаштириш учун ҳудудларда партия фаоллари иштирокида оммавий эшитувлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

“АДОЛАТ” СДП: ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР



PARLAMENT SAYLOVIDA BESHТА PARTIYA ISHTIROK ETADI

SAYLOV 2024 27-OKTABR

- O'zlibep O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasi
- Milliy tiklanish demokratik partiyasi
- O'zbekiston Ekologik partiyasi
- XDP O'zbekiston Xalq-demokratik partiyasi
- ADOLAT "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида бешта сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Ўша даврда Юстиция халқ комиссариати республика ҳудудида халқ судлари сиёсатини амалга ошириш, адлия соҳасидаги ташкилотларни ташкил этиш ва уларнинг барчаси устидан раҳбарлик қилиш, лавозим эгалари ҳамда аҳолининг барча қатламлари ҳаракатларининг қонунийлиги борасида назорат ўрнатиш каби ишлар билан шуғулланарди.

...30-йиллардан кейин комиссариат таркибида ва фаолиятида баъзи ўзгаришлар юзага келди.

МУТАСАДДИЛАРНИНГ КЎЗИ ҚАЕРДА?



Ноқонуний қурилиш ишлари ёхуд ёпиқ эшиклар ҳақида сўз

Бир неча йил олдин экилган мевали дарахтлар бугун мева солишни бошлаган. Боғда 100 тупга яқин дарахт ва гуллар бор. Қурилиш ишлари бошланиши ортидан кесилган дарахтлар эса экологияга катта зарар етказилади. Ваҳоланки, қурилиш учун экологик экспертлар мутасаддилари бу масалага шунчаки кўл силтаб қўйган. Бугунги экологик таназзул даврида бундай экологик хатарни масъуллар кўриб кўрмаганга олишлари, шунчаки эътиборсиз қарашлари қанчалик тўғри?!



БОЛА ОҒИР ЮК КЎТАРМАСЛИГИ КЕРАК!

Анелаганингиздек, мактаб сумкаси денгиздан бир томчи, холос. Бу ишларда қийналаётган, жисмоний кучи етмаётган боласини кўриб, уни озод қилгувчи ота-оналардан кўра фарзандини кичиклигидан ишлатиш орқали гуёки катта ҳаётга “тайёрловчи” ота-оналар кўп.

1 САМАРҚАНД. Кўхна ва навқирон шаҳар партиянинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури лойиҳаси муҳокамаси юзасидан биринчи оммавий эшитув тадбирига мезбонлик қилди. Унда Сиёсий Кенгаш раиси Робохон Махмудова, вилоят ва маҳаллий кенгашлар ходимлари, партия фаоллари, депутатлар, ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.



“АДОЛАТ” СДП: ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР

Тадбирни кириш сўзи билан очган партияимиз етакчиси янги Сайловолди дастури лойиҳаси халқимиз орзу-истаклари, фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, кўплаб соҳаларда ривожланиш истиқболларини қамраб олиш ва халқчил тақлифларни илгари суришда партиянинг келгуси беш йилликдаги стратегик ҳужжати бўлиши кутилаётганини эътироф этди. Қолаверса, ушбу муҳокама жараёни, тадбир иштирокчилари томонидан билдирилган ҳар бир тақлиф ва тавсия дастури янада мукаммаллаштириш ҳамда амалиётга татиқ этишда муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Муҳаммадjon Валиев “Адолат” СДПнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури лойиҳасидаги ғоя ва тақлифлари тўғрисида” маъруза қилди.

Қайд этилганидек, дастур лойиҳаси иқтисодий барқарорликни таъминлаш, партия электорати вакилларининг ижтимоий муҳофазаси ва хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги тенгликни таъминлаш ҳамда давлат бошқарувининг шаффофлиги ва самардорлигини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олган.

Сайловолди дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бир йилдан ортиқ вақт давомида амалга оширилди. Бунда партия устави ва шу пайтга қадар қабул қилинган асосий дастурларнинг танқидий таҳлилига, 150 дан ортиқ хорижий давлатдаги социал-демократик йўналишдаги сиёсий партия ва ҳаракатларнинг таърибасини ўрганишга, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларига катта эътибор қаратилди.

Тадбир сўнггида жамоатчилик томонидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди, фикрлар алмашилди. Сайловолди дастурини муваффақиятли амалга ошириш, ҳар бир фуқаронинг ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича билдирилган тақлифлар экспертлар томонидан ўрганиладиган бўлди.

– Ушбу учрашув партиянинг келгуси стратегик режаларини белгилаш жараёнида самарқандлик “адолатчилар” ҳам ўз тақлифларини билдириши учун самарали кечди, – дейди “Ёшлар парламенти” аъзоси, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Самарқанд вилоят бўлими мутахассиси Дилнур Аъзамов. – Шу ўринда қайд этиш жоизки, янги Сайловолди дастури ишлаб чиқиш бошланганда, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш ва ичимлик сувини тежаш мақсадида техник сувардан янгилаш ва жаҳон таърибаси асосида унумли фойдаланиш тақлифини бергандим. Бугун бизга тақдим этилган дастурни ўқиб-таълим ҳам жой олганини кўриб, хурсанд бўлдим. Умуман олганда, партиянинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган дастури турли соҳаларни ривожлантириш учун халқчил тақлиф ва ғояларни қамраб олганини ҳайратдан аҳамиятли. Демак, “Адолат”нинг жорий сайловдаги иштироки муваффақиятли кечишида Сайловолди дастурининг, юқорида таъкидлаганимиздек, бир қанча афзалликларга эга экани ҳам муҳим роль ўйнайди.

Албатта, бу каби учрашувларнинг “Адолат” СДП томонидан юқори савияда тизимли ўтказилиши партиянинг жамият олдидagi масъулияти ва бўлажак сайловлардаги ғалабага бўлган имкониятларини юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Фарғона шаҳридаги Юридик техникумда ҳам “Адолат” СДПнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Шаҳноза Ганиева кириш сўзи билан очиб, жорий йилда сайловлар олдида вилоят кенгаши томонидан кўрилатилган чора-тадбирлар, кампания давридаги тарғибот ишларида фарғоналикларнинг фаоллик билан иштирок этаётганини таъкидлади. Шундан сўнг “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Исрол Ҳамроев “Адолат” СДПнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури лойиҳасидаги ғоя ва тақлифлари тўғрисида”ги маърузасида дастурнинг мазмун-моҳияти, уни ишлаб чиқиш жараёни хусусида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Савол-жавобларга бой ўтган тадбирда иштирокчилар янги Сайловолди дастурда кўплаб соҳалардаги узоқ вақтдан буён ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган муҳим тақлифлар илгари сурилатганини эътироф этдилар.

– Менга партиянинг янги Сайловолди дастури жуда маъқул келди, – дейди тадбир иштирокчиси Лобархон Каримова. – Кейинги пайтларда ҳали воғжа етмаган гўдакларга бўлган зўравонликлар, айниқса, жинсий зўравонликларни интернет тармоқлари орқали кўриб, эшитиб, эртанги кунимиздан жуда ҳавотирда эдим. Партиянинг янги дастурида бу каби раҳимли амалга оширган зўравонларга умрбод қамқоқ жазоси тайинланиши юзасидан тақлифларни қонунчиликка киритиш борасидаги ташаббуси менга маъқул келди. Бу каби тақлифлар дастурда кўллаб ўрин олган.

Дарҳақиқат, социал-демократиянинг адолатлилик, эркинлик, тенглик ва бирдамлик ғоялари устуворлик касб этган янги Сайловолди дастури инсон ҳуқуқларини олий қадрият даражасида эътироф этишга қаратилган. Унда мустақкам ҳимоя кўргони яратиш, ҳар бир инсоннинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар камситилишига қарши курашиш, адолат – ҳар бир инсон учун тамойилига амал қилиш каби ғоялар асосий йўналишлар сифатида ифодасини топган. Зеро, ушбу тақлифлар халқимиз, хусусан, электоратимиз манфаати йўлидаги муҳим ислохотларга, амалий натижаларга йўл очади.

Самарқанд ва Фарғона вилоят кенгашлари матбуот хизмати



Фракция йиғилиши

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ВАКОЛАТЛИ ОРГАН ТАЙИНЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.



Депутатлар қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, таҳлилий ёндашди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бири бўлиб, мамлакат учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётини яхшилаш, миллий хавфсизлиги ва мамлакат мустақиллигини сақлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Бугунги кунга келиб ички ва ташқи бозорда ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши ва бу эҳтимолини қондириш ҳамда республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш талаб этилмоқда.

Қонун лойиҳасида озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича умумий қоидалар, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш, хавфсиз озиқланишга эришиш, озиқ-овқат хавфсизлигида ахборот таъминоти, шунингдек, якуний қоидаларни белгилаш назарда тутилган.

Қонун лойиҳасининг мақсади Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, озиқ-овқат хавфсизлиги ва хавфсиз озиқланиши таъминлашда иштирок этувчи барча субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Ушбу қонун лойиҳаси билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлат томонидан тартибга солиш қоидалари белгиланмоқда. Бунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органи, республика ва маҳаллига ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатларига аниқлик киритилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар билан қонун ташаббускорларига юзланди. Хусусан, фракция аъзолари лойиҳада келтирилган озиқ-овқат хавфсизлиги нима эканлиги билан қизиқиб, у озиқ-овқат танқислигини ҳам қамраб оладими, деган саволни ўртага ташлашди.

Шунингдек, депутатлар томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларини тартибга солиш нормаларини ягона ҳужжатда унификация қилиш ва тизимлаштириш, ушбу соҳасидаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солишга эришилди.

Ийгилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан бир овоздан кўллаб-қувватланди.

ролар ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, озиқ-овқат хавфсизлиги ва хавфсиз озиқланиши таъминлашда иштирок этувчи барча субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Ушбу қонун лойиҳаси билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлат томонидан тартибга солиш қоидалари белгиланмоқда. Бунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органи, республика ва маҳаллига ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатларига аниқлик киритилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар билан қонун ташаббускорларига юзланди. Хусусан, фракция аъзолари лойиҳада келтирилган озиқ-овқат хавфсизлиги нима эканлиги билан қизиқиб, у озиқ-овқат танқислигини ҳам қамраб оладими, деган саволни ўртага ташлашди.

Шунингдек, депутатлар томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларини тартибга солиш нормаларини ягона ҳужжатда унификация қилиш ва тизимлаштириш, ушбу соҳасидаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солишга эришилди.

Ийгилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан бир овоздан кўллаб-қувватланди.

Муносабат

– бизнес учун қулай маскан

Биз бугун ривожланиш ёки аҳоли фаровонлигини юксалтириш ҳақида фикрлар эканмиз, албатта, бу учун мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши барқарор бўлиши лозим, деган ҳулосага келамиз. Шундан келиб чиқилса, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида йирик, ўрта ва кичик тадбиркорликнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Тадбиркорлик ва сармоя учун қонунчиликда яратилган имкониятлар ҳамда шарт-шароитлар соҳанинг кенгайишига ва аҳолини иш билан таъминлашга бевосита таъсир қилади.



Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси раҳбари

Давлат томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсат, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, тадбиркорларга рўйхатдан ўтишдан тортиб, солиқ соҳасида бир қатор энгилликлар яратилгани, кредит ва ер ажратилиши ҳамда бошқа масалалардаги кўплаб имтиёзлар ўз натижасини бермоқда. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштиришга, иқтисодиётда давлат улушини камайтиришга, тадбиркорлар сафини, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, “Адолат” СДП Сайловолди дастуридаги ғоя ва мақсадлар ҳам мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда рақобатбардор, коррупциядан холи тадбиркорлик муҳитини яратиш фикри илгари сурилган. Шу боис, биз бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, унга ғов бўлаётган тўсиқларга барҳам бериш бўйича олиб борилаётган ислохотларни тўғри ва жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Аввало, тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кенгайиб, мамлакат иқтисодиётида тугган ўрни тобора юксалаётгани эътирофга лойиқ. Эътибор берадиган бўлсак, 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида 28,5 минг нафар тадбиркор ўз фаолиятини йўлга қўйган. Тадбиркорлик учун 65,5 триллион сўм кредит ажратилган. Эътибор беринг, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизга кўп дегани. Яна бир аҳамиятли томони, мамлакатимизда яратилаётган қулай инвестициявий муҳит ташқаридан инвесторларнинг кириб келиши, ўз сармоялари билан тадбиркорликни амалга оширишига ҳам имкон бермоқда. Хусусан, 2024 йилнинг 6 ойи давомида мамлакатимизда тадбиркорлик учун 15,5 миллиард долларлик сармоя киритилган бўлса, шундан 13,9 миллиард долларлик сармоя тўғридан-тўғри киритилган.

Хабарингиз бор, республикамизда ҳар йили 20 август “Тадбиркорлар кунини” сифатида нишонланади. Шу муносабат билан улар учун мавжуд муаммо ва тақлифлар бўйича энгилликлар яратиб берилмоқда. Қабул қилинаётган кўплаб фармон ва қарорлар, қонунларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар уларнинг яратувчилик фаолиятини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган очиқ мулоқотда ҳам Президент тадбиркорлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улардан бири кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш орқали тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдир. Ушбу тақлифнинг ўртага ташланиши бежиз эмас. Чунки жорий йил бошидан 35 мингдан ортиқ тадбиркорга 3,5 триллион сўм микрокредит ажратилди. Натижа эса аъло. Шу пайтгача халқимиз учун минглаб иш ўринлари яратилди ва оилалар даромади кескин ошди. Шунингдек, ўрта ва кичик бизнес учун ажратилган микрокредитлар ҳажми 100 миллиондан 300 миллионга оширилди. Ушбу тадбиркорлик турлари учун эндиликда йилига 10 триллион сўм маблағ берилмаган бўлди.

Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда хорижда бизнесини йўлга қўйган 40 дан зиёд ватандошимиз иштирок этиб, Қорақалпоғистон шароити билан танишди. Шунингдек, ҳар бир туман кесимида “Қорақалпоғистонда бизнес қилинг!” дастурининг ишлаб чиқиши натижасида санат, қишлоқ хўжалиги ва хизматларни ривожлантириш учун яна камида 10 миллиард долларлик сармоя ва 500 минг иш ўрни яратиш имкони борлиги алоҳида эътирофга лойиқ.

Очиқ мулоқотда тадбиркорларнинг товар айланмаси ўтган йилга нисбатан 25 фоизга кўпайиб, 986 триллион сўмга етганлиги, йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта корхоналар сони 2 баробарга кўпайганлиги, йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ортиқ йирик корхоналар эса 2 минг 200 тадан ошганлиги, солиқ, банк, молия, бутун иқтисодиёт комплексини “маҳаллабай” ва “мижозбай” иш юритиши натижасида олдин зарар билан ишлаган 16 мингта корхона ярим йилда 6,5 триллион сўм фойдага эришганлиги эътирофга лойиқ.

Шунингдек, Президент ўз нутқида бу йилги очиқ мулоқот айнан Қорақалпоғистонда ўтказилаётганини изоҳлар экан, бунга асосий туртки Қорақалпоғистонда бизнес учун бошқа бирорта ҳудудда йўқ 50 дан ортиқ имтиёзлар пакети яратилганлигини, Қорақалпоғистонда ер ажратишнинг содда тизими жорий этилганлигини ҳамда бу ўлка катта бозорларга чиқиш учун энг қулай ҳудуд эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, очиқ мулоқотда тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимини бўйича аниқ тақлиф ва ташаббуслар ҳам илгари сурилди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, тадбиркорлар билан ўтказилаётган бу каби мулоқотлар ва уларда билдирилган ташаббус ҳамда тақлифлар соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг давоми сифатида янада кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

МАҚСАД – жамият тараққиётига хизмат қилиш



“Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Руиддин Раупов билан суҳбат

– Навбатдаги янги сайловлар олдида партиядинги вилоят кенгаши фаолиятида қандай ўзгаришлар, янгиланишлар юзга келди? Сайловларга тайёргарликлар қандай кечмоқда?

– Сиёсий ҳаётдаги фаоллик, халқ дарди билан яшаш, уларга ечим топишдаги жонбозлик қилишимиз керак эканини биз, “адолатчилар” яхши тушунаемиз. Дарвоқе, Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимизда катта сиёсий жараён, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига ўтказилаётган сайловларга шарт берилган кундан эътиборан тайёргарликни кучайтирдик. Негаки, бу галги сайловлар оддий сайлов эмас. У олдинги сайловлардан анча фарқ қилади.

Белгиланган муддатда партия ташкилотларимиз томонидан имзо тўплаш жараёни поёнига етди. Унда ёшлар, маҳаллалар аъзолари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари партиядинги сайловдаги иштирокини қизғин қўллаб-қувватлаб, ўз имзоларини қўйдилар. Энди ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларни ўтказилди.

Ўтган беш йил давомида 300 га яқин янги бошланғич партия ташкилоти тўзилиб, уларнинг вилоятдаги умумий сони 500 тага етди. Кўп сонли таълим, тиббиёт, маданият, саноат, қишлоқ хўжалиги ходимлари, хотин-қизлар, ёшларнинг партия сафига қўшилиши натижасида “Адолат” СДПнинг вилоятдаги аъзолари сони 90 минг нафардан ошди.

Бунда, албатта, партиямиз жонқурларни, БПТлар томонидан биргина жорий йилнинг ўтган ойларида 300 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилгани аҳамиятлидир. Бу тадбирларда минглаб фуқаролар партиядинги дастурий мақсадлари, ғоявий мақсурадларини асослари билан таништирилди. Бундан ташқари, эркин, мустақил фаолият юритишимиз учун имкониятлар борган сари кенгайтирилатгани ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Унутмаслик кераки, бундан кейин ҳам сайлов жараёнида ташаббусни ўз қўлимизга олиб, сайловолди тарғиботларини пухта ташкил этмасак, номзодларни танлашга эътиборли бўлмасак, ўз мақсадларимизга эришолмаймиз. Зотан, бўлғуси парламент сайлови асосан сиёсий партиялар ўртасида ҳақиқий кураш шароитида ўтишини эсдан чиқармаслик лозим.

– Биламизки, депутатга кўп ҳуқуқ берилган. У комиссияларга сайлаш ва сайланиш, ҳар бир сессияда кўриб чиқиши учун масалалар тақриб этиш, уларни кўриб чиқиш тартиби юзасидан тақриб киритиш, депутат сўрови билан мурожаат қилиш, умуман, фуқаролар манфаатига қаратилган қайсики масала бўлмасин, у билан шуғулланиш имкониятига эга. Шундай экан, ҳисобот даврида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ўз ваколатлари доирасида қандай ишларни амалга оширдилар?

– Халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиямиздан 10 нафар депутат сайланган. Уларнинг барчаси зиёдор, жамиятда ҳар бир ўзгаришни дарҳол илғай оладиган, ўз муносабатини билдирадиган кишилардир. Депутатлик гуруҳимиз зиёлилардан

ташқил топганлиги учун ҳам “Адолат” СДПнинг салоҳияти ортиб бормоқда. Партиядинги “Муаммо билан юзма-юз”, “Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори”, “Таълим сифати – партия нигоҳида”, “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи”, “Саломатлик йўлида бирлашайлик” каби лойиҳалари доирасида кўпгина ишлар қилинди. “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида депутатларимиз саъй-ҳаракати билан ўтган йили 293 нафар ишсиз юрдошимиз ишли бўлган бўлса, жорий йилда 169 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда самарали депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ўзим аҳоли билан ўтказаятган мулоқотларимда фуқаролар томонидан кўтарилган муаммолар бўйича мутасадди идораларга 95 та депутатлик сўрови юбордим. Худди шундай Дилрабо Темирова, Муҳаббат Шаропова, Максуда Мустафоєва, Қўйли Нарзуллаєв, Мавжуда Жумаєва ва бошқа депутатларимиз ҳам ўз ҳудудларидаги фуқароларнинг муаммоларини ўрганиб, мулоқотлар учрашувлар ўтказган ҳолда мурожаатларга ечим топиб келмоқда.

Қарши шаҳридаги “Темирўлчилар” МФЙда яшовчи аҳоли вакиллари билан муаммоларини тегишли идоралар мутасаддиларини жалб этган ҳолда ўрганиб, маҳалланинг 5,5 километр ички йўлини асфальт қилиб беришга, 3 та янги трансформатор ва 75 та электр симёғоч ўрнатишга эришдик. Маҳалладаги ногиронлиги бўлган уч нафар фуқарога ногиронлик аравачаси, ёрдамга муҳтож 20 га яқин оилага 200 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштирдик.

Депутатларимиз ташаббуси билан шу йил қиш-баҳор ойларида “Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси доирасида 10 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш мутахассислари иштирокида вилоятдаги Скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ комплекслари, репродуктив саломатлик ва патронаж хизматлари сифатини ўрганиш юзасидан жамоатчилик назорати тадбирларини ўтказдик.

Тадбирлар доирасида мазкур масала бўйича йўлга қўйилган ишлар самарадорлиги ҳолати ўрганилди. Ўлим ҳолатларининг орттишида бирламчи тиббиёт муассасалари билан туғруқ комплекслар ўртасида узвий боғлиқлик ўрнатилмаганлиги мазкур муассасаларда ҳамилдор аёллар туғруқ даврида тўлиқ назоратга олинмаслиги, уларни туғруқ-хонага тўғридан-тўғри оғир аҳволда олиб келиниши сабаб бўлаётганлиги аниқланди. Ўрганишларда аниқланган камчиликлар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси”га ўрганиш учун киритилиб, масъулларга муаммоларни бартараф этиш борасида тегишли тартибда вазифалар берилди.

Депутат Дилрабо Темирова ўз ваколати доирасида олий ўқув юрталари, ташкилотлар, маҳаллаларда “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси” устувор йўналишларига бағишлаб “Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги боқичга олиб чиқиш вазифалари” мавзусида маърифий тадбирлар ўтказди ва уларга 10 минг нафар ёшни қамраб олди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, депутат Муҳаббат Шаропова ҳам ўтган сайловлардан то шу кунга қадар сайловчилар манфаатини кўлаб анчагина ишларни амалга оширди. Фуқаролар мурожаатлари асосида ўтган йили 89 та, бу йил эса 50 га яқин муаммоли масалаларни ҳал қилиш юзасидан мутасадди идораларга депутатлик сўрови юборди. Айни кунларда ҳам Муҳаббат Шаропова маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, меҳнат жамоаларида бўлиб, сайловолди ташвиқотларда фаол иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, Муҳаббат Шаропованинг вилоят ҳокими Муроджон Азимов номига юборган депутатлик сўрови ижроси таъминланганлиги боис, Қарши шаҳридаги Шайхали шаҳарчаси аҳолиси учун тез тиббий ёрдам биноси қуриб берилди ва муассасага тез ёрдам автомашинаси ажратилди.

Бундан ташқари, депутат кўмаги билан 350 нафардан ортиқ ишсиз хотин-қиз вилоят ва туманларда ташқил этилган мономарказларда ўқитилиб, бандлиги таъминланди. Жонқур депутатнинг уйда ўтириб қолган фуқаролар билан доимий иш олиб бораётгани ҳам кўпчиликини мамнун этмоқда. Депутат аҳоли хонадонларида бўлиб, одамларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларга субсидия олишда ёрдам бермоқда. Унинг ёрдами билан 54 нафар фуқарога субсидия ажратилди. Айни кунларда моддий таъминоти яхшиланган фуқаролар иссиқхона ташқил этишиб, ўз томорқаларидан унумли фойдаланмоқда.

Шу ерда бир нарсага эътибор беришимизни истардим. Партия ўз депутатлари ва фаол аъзолари орқали барча жаҳада олиб борилаётган ислохотларга кўмақдош бўляпти. Одамларни даромадли иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш учун ўз ваколатларидан кенг фойдаланмоқда. Депутатларимиз орқали вилоятда кечаётган ислохотлар жараёнини чуқур таҳлил қилиб борапмиз. Зарур ҳулосалар сессияга ёки тегишли вазирлик, идораларга олиб чиқилляпти.

Гуруҳимиз аъзолари ўтган йили ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига 20 та, бу йил эса 5 та масала киритдик. Туман, шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз эса 2023 йилда 13 та, жорий йилда эса 15 та масалани сессиялар муҳокама-сига қўйиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан кенгашларнинг тегишли қарорлари қабул қилинишига эришдик.

Депутат халқ манфаати ва Ватан равнақи йўлида тиним билмайдиغان, “Адолат” СДП Сайловолди дастурини рўйга чиқаришга жиддий бел боғлаган ватанпарвар инсон бўлиши керак. Афсуски, 16 та туман, шаҳарларда фаолият олиб бораётган 60 нафар депутатимизнинг барчаси ҳақида шундай илқ сўзларни айта олмаимиз. Шу тўғрисида ҳам йилги сайловларда халқимизнинг онгу тафаккури ўзгарганлигини инобатга олиб, муносиб номзодларни танлаш чорасини кўряпмиз. Албатта, аҳолининг сиёсий маданияти ўсиб бораётгани, жамиятда демократия, очиқлик ва ошқоралик таъминланаётгани янги сайловларда яна бир бор намоён бўлмоқда.

– Руиддин Пўлатович, сиз халқ депутатлари вилоят Кенгаши “Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси” раисисиз. Шундан келиб чиқиб айтинг-чи, комиссия

йиғилишларида фуқароларни жиддий ўйлантириб келаётган қандай муаммолар ечимига чора изланыпти?

– Доимий комиссия аъзолари томонидан жойларда сайловчилар билан турли мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, ўқув семинарлари ташқил этиб келиняпти. Фуқаролар билан доимий мулоқотларда иштирокчилар автомобиль йўлларида жуда кўп автохалокатлар содир бўлаётгани ва бунинг оқибатида ўнлаб юрдошларимиз вафот этаётгани ёки бир умрга ногирон бўлиб қолаётганидан ташвишланиб маълум қилишган эди. Депутатлик гуруҳимиз томонидан махсус ишчи гуруҳ тузиб, йўллардаги ҳолатни ўргандик. Ачинарли томони шундаки, баъзи бир ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларига бепайсанд муносабатда бўлаётгани тўғрисида беғуноҳ болаларнинг ўлими сони ортиб борапти. Албатта, бундай нохуш ҳолатлар одамларнинг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлаётди.

Биз шундан келиб чиқиб, барча тўпланган далил, ҳулосаларни доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқиш орқали масалага алоқадор ички ишлар органлари вакилларига тегишли топшириқ ва тавсиялар бердик. Қўрилган кескин чора-тадбирлар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул идоралар фаолияти устидан қаттиқ назорат тадбирлари олиб борилгани боис, ўтган йилга нисбатан йўлларда автохалокатлар сони бу йил 12 фоизга камгайди.

Шунингдек, доимий комиссия йиғилишларида мунтазам равишда “Вилоят судлари томонидан йил давомида одил судлов борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(Омбудсман)нинг минтақавий вакили томонидан йил давомида амалга оширилган ишлари тўғрисида”, шунингдек, ички ишлар, прокуратура, мактабга ҳам ва мактаб таълими ҳамда бошқа соҳалар мутасаддиларининг ҳисоботлари эшитилди.

Доимий комиссия, депутатлик гуруҳи, кенгаши, сессия, фракция. Албатта, буларни бир-бирига боғловчи вакил – депутат эканлигини яхши англаб олмагимиз керак. У бор бўлса, ана шу ташкилотларнинг фаолияти амалга ошади, Янги Ўзбекистонимизни ривожлантириш, янада тараққиёт элтириш учун муҳим вазифалар белгиланади, юрдошларимизни қийнаб келаётган долзарб муаммоларга ечим топилади.

– Яхши таъкидладингиз: депутат бор экан, доимий комиссия, гуруҳ, кенгаш, сессия, фракция иши худди соат белгиларидек ҳаракатланаверади. Уни яна сайловларда ғолиб чиққан кучлар, яъни, халқ вакиллари ҳаракатга келтираверади. Демак, тараққиёт давом этаверади. Асло тўхтаб қолмайди. Янги Ўзбекистон ривожини йўлида янги-янги қадамлар ташланади.

– Жуда тўғри. Ўзбекистонимизда барча соҳада кечаётган ислохотлар шу тарзда давом этса, тез фурсатларда ривожланган давлатлар қаторига чиқиб оламиз. Мен бунга ишонман. Бу йилги сайловларда ҳам партиямиз, албатта, энг яхши кўрсаткичларга эришадим!

– Дарвоқе, ҳадемай амалдаги депутатларнинг ваколат муддати тугайди. “Ватанимиз учун, халқ учун нима қила олдингиз?” ва “Нималарга улгура олмадингиз?” деган икки саволга жавобингиз борми?

– Ўринли саволлар учун раҳмат. Бу саволингизга фаолиятим давомида амалга оширилган ишларим жавоб бўла олади. Депутат сифатида Ватан, халқ учун бор куч-ғайрада ишларни сарфладим. Очиғи, улгура олмаган ишим – одамларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишга кўп вақт керак бўларкан, менинг назаримда. Мен халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини бўлишини истайман. Партиямизнинг бош мақсади ҳам жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган. Кейинги иш фаолиятим давомида бу масалага чуқурроқ ёндашаман, албатта.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Комил САХАТОВ суҳбатлашди

Муносабат

Мамлакат куч-қудрати ва тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири, бу аҳоли саломатлиги. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифат-самарасини янада мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларга ижобий ечим топиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

ИНСОН БАХТ-САОДАТИ САЛОМАТЛИКДА



Нурлибой ҚАЙПБЕРГЕНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

Мана шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак Қорақалпоғистон Республикасида ўтган 2017-2024 йиллар оралиғида «Бир қадам тамойили билан» 74 та оилавий шифокорлар пункти, 81 та оилавий поликлиника ва 92 та МТР ташқил этилди.

Ихтисослаштирилган ҳудудий марказлар филиаллари 150 турдаги янги технологиялар олиб келинди ва шунинг ҳисобига йилига 4 500 нафар беморларнинг Тошкент ёки чет элга бормасдан тиббий жиҳатдан юқори технологик ёрдам олиш имконияти яратилди.

Кувонарлиси, Тўртқул, Қўнғирот ва Чимбой туманларида қўшма шифокорлик ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташқил этилиб, йилига 11 минг нафар беморга туманнинг ўзиде шифолини тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати таъминланди. Бу юртимиздаги ислохотларнинг изчил давоми бўлди.

Қорақалпоғистоннинг мустақиллик даври тарихида илк бора нолдан бошлаб биринчи марта кўп тармоқли шифохона қурилди.

Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи давомида тиббий марказ фаолияти билан танишиш мақсадида Республика шифолини тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалида ҳам бўлди.

Эсимда, марказнинг олдинги биноси деярли 25 йил давомида мукамал таъмирланмаган эди. Хар бир палатада 4-5 бемор ётар, санитар хоналари умумий эди.

Эндиликда марказнинг барча бўлимлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. 130 ўринли янги мажмуада беморлар ва шифокорлар учун барча шароит яратилган. Бир хона икки кишига мўлжалланган, алоҳида санитар хоналари ҳам бор.

Бемор ҳаётини сақлаб қолишда вақт асосий ўринда туради. Эътиборимни тортган тарафи шу бўлдики, марказда беморларни касаллик даражаси бўйича саралайдиган триаж бўлими ташқил этилган. Яъни, бу ерга мурожаат қилган инсон вақт йўқотиб, сарсон бўлиб юрмайди. Шифокорнинг ўзи келиб кўриб, беморни қайси соҳада даволаш зарурлиги бўйича ҳулоса қилади ва улар керакли бўлимларга йўналтирилади. Бунинг натижасида иш самарадорлиги 10 фоизга ошди, госпитализация жараёнлари 10 фоизга ва энг аҳамиятлиси ўлим кўрсаткичлари 3,1 баробарга қисқарди.

Партиямиз томонидан олиб борилаётган ўрганишларга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида учинчи хавф тоифасига кирувчи касалликларнинг қарийб 40 фоизи юрак қон-томир касалликлари бўлиб, ҳудудда ангиография ускуналари йўқ эди.



Марказга янги замонавий ангиография ускунаси келтирилди, бу ускуна инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда яхши самара бермоқда.

Тошкент шаҳрида амалга оширилган айрим мураккаб жаррохлик амалиётлари эндиликда шу ернинг ўзиде ўтказилаяпти. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида илк марта ба суний қон айланishi аппарати орқали беш нафар беморнинг юрагиде очик жаррохлик амалиёти олиб борилди.

Давлат раҳбари тиббиёт ходимлари ва тегишли ташкилотлар бошлиқлари билан мулоқоти давомида шифохонани самарали бошқариш, амалиётни ўқиш билан боғлаш масалаларига эътибор қаратди.

– Янги бино ва ускуналар ишининг бир қисми. Энди марказ фаолиятига замонавий менежментни жорий қилиш керак. Тиббиётни ривожланган мамлакатлардан тажрибали шифокорларни мuddатли жалб этиш, хорихда мутахассислар малакасини ошириш мақсада мувофиқ, Умуман, бу марказ илмий-амалий тиббиёт академиясидек фаолият юритиши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Яна бир муҳим жиҳат, эндиликда туман тиббиёт бирлашмаларидаги шифокорлар ўз ихтисослиги бўйича марказда малака ошириб, ўз тажрибасини ҳудудларда жорий этишади. Бунинг натижасида чекка қишлоқлардаги шифохоналарда тажрибали тиббиёт мутахассислари етишмаслиги муаммоси ҳам ўз ечимини топади.

Миллат фидойилари

ҲАҚ ЙЎЛИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ



Давронбек Ахмадбеков Ўзбекистон ССР Юстиция халқ комиссариатида кўп йиллар самарали фаолият юритган давлат арбобларидан бири эди. Унинг республика миқёсидаги юксалтириш йўлидаги фаолияти ютуқлар, муваффақиятлар ва фожиялар билан қориниқ холда кечди.

Камол МАТЁҚУБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

У таржимаи ҳолида умр йўллари ҳақида шундай ёзди: **“Мен 1894 йилда Хўжанд шаҳрида ўрта ҳол оиласида туғилдим. Отам умр бўйи деҳқончилик билан шуғулланди ва шу билан бирга 1912-1916 йилларда қўқонлик фермер Потеляков хузурида пахта масалалари бўйича савдо-сотих вазифаси бўлиб хизмат қилди. Ун-жин вилостидаги қишлоқлардан бирини оқсоқоллик вазифасини ҳам бажарди. 1916 йилнинг бошида вафот этди. Отам ўлимига қадар унинг қарамоғида бўлдим. 1912 йилгача рус мактабда, 1914 йилгача рус-тузем мактабда таълим олдим. 1916-1917 йилларда Хўжанд уездининг Нов волостидан савдогар Мулла Иброҳимов кўлида иш юритувчи бўлиб хизмат қилдим. 1918 йил 14 апрелда большевиклар партияси сафига кирдим. Шундан кейин Туркистон АССР Компартияси Хўжанд шаҳар комитетидан турли вазифаларда ишладим. Бир фурсат Нов, Чапқудум, Исфана волостларидаги умумий оқватлиниш ошонналарини бошқардим. 1918 йил ноябрини 1919 йил февралига қадар Хўжанд қамқоқонаси бошлиғи бўлдим. 1919 йил февралдан кейин ўқитувчилик қилдим. Шу йилнинг ёзида 3 ой Самарқанддаги ўқитувчилар тайёрлаш курсида таълим олдим. 1921 йилнинг февралига қадар ўқитувчилик қилдим ва айни пайтда шаҳар маориф бўлими касаба уюшмаси раиси вазифасини ҳам бажардим. Февраль ойидан то ноябрь ойига қадар шаҳар бирлашган касаба уюшмаларида раис бўлиб ишладим”.**

министратсия бўлими бошлиғи лавозимларидан ташқари ер ислохотини тайёрловчи ва уни амалга оширувчи область комиссиясининг раиси сифатида ҳам фаолият юритади. Бу вазифада Самарқанд областида ер ислохоти якунлангунча, яъни 1927 йилгача ишлайди. Ушбу соҳалардаги самарали фаолияти учун “Меҳнат Қизил байроқ” ордени билан тақдирланади. Ер ислохотини ўтказишдаги тажрибали билан ўртоқлашиш учун 3 ойга Хоразм округида хизмат сафарига бўлади. У ердан қайтгач, Самарқанд округ нazorat комиссиясининг раислигига сайланади ва 1929 йилнинг февралига қадар шу вазифада ишлайди.

1929 йилнинг эрта баҳорида Ўзбекистон ССР Коммунистик партияси Марказий Комитети қарорига кўра Андижон округига Колхозлар бирлашмасининг раиси қилиб ишга жўнатилади. Шу йилнинг 1 октябрида Зеленский район партия комитети конференциясида ушбу район партия комитетининг котиблигига сайланади ва бу ерда 1930 йилнинг августига қадар фаолият юритади. Шундан кейин Наманган шаҳар партия комитетининг котиби вазифасида 1932 йилнинг 20 февралига қадар ишлайди. Ушбу район ва шаҳар партия комитетидоғи фаолияти давомида асосий эъти-

борни коллективлаштириш масалаларига қаратади. Натيجида 1930 йилда Зеленский районда коллективлаштириш 60 фоизга, 1931 йилда Наманган районда 85 фоизга етди. Бу ютуқлардан кейин у 1932 йилнинг 20 февралда Ўзбекистон ССР Колхозлар бирлашмасининг директори қилиб тайинланади. Д.Ахмадбеков 1924 йилда бўлиб ўтган Туркистон АССРнинг XII съездида катнашади ва Туркистон Республикаси Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланади. Шундан кейин яна 2 марта Туркистон Республикаси Марказий Комитетининг аъзолигига сайланади. Туркистон АССРнинг съездида ҳам аъзоликка сайланади. Ўзбекистон ССР Коммунистик партияси Марказий Комитети ва унинг тафтиш комиссияси аъзоси бўлади.

1932 йилнинг 10 декабрида Ўзбекистон ССР Юстиция халқ комиссариати қилиб сайланади ва бу вазифада 1936 йилнинг 1 майига қадар ишлайди. Шу кундан бошлаб Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг котиблигига тайинланади. Бироқ Юстиция халқ комиссариатига бирор раҳбар тайинланмагани учун уни ҳам 1937 йилнинг 20 январига қадар бошқаради. Шу билан бирга 1934 йилдан бошлаб Норин, Андижон, Қўқон партия ташкилотларида “тозалаш” комиссияларининг раиси сифатида қатнашади.

Уша даврда Юстиция халқ комиссариати республика ҳудудида халқ судлари сиёсатини амалга ошириш, адлия соҳасидаги ташкилотларни ташкил этиш ва уларнинг барчаси устидан раҳбарлик қилиш, лавозим эгалари ҳамда аҳолининг барча қатламлари ҳаракатларининг қонунийлиги борасида назорат ўрнатиш каби ишлар билан шуғулланарди. Айни пайтда комиссариат жиноятчиликка қарши кураш олиб борилган барча тергов органлари фаолияти устидан раҳбарликни ҳам амалга оширар ва жиноятчиликка қарши кураш йўлларини ўрганади. Шунингдек, комиссариат фаолиятига махсус суд муассасалари ишларини, республикадаги барча ахлоқ тузатиш меҳнат қорхоналари фаолиятини назорат қилиш ҳам кирар эди. 30-йиллардан кейин комиссариат таркибида ва фаолиятида баъзи ўзгаришлар юзага келди.

Прокуратура тизими ҳам 1936 йилгача Ўзбекистон ССР Юстиция халқ комиссариати таркибида бўлиб келди. Комиссариат таркибида бўлган ахлоқ тузатиш меҳнат муассасалари Иттифоқ Халқ Комиссарлар Совети Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 27 октябрдаги қарорига кўра Ички ишлар халқ комиссариати ва унинг жойлардаги тузилмалари ҳисобига ўтказилди. 1934 йил 10 сентябрда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети ва Марказий Ижроия Комитетининг “Прокуратура ва суд органлари сифини муштаҳкамлаш ва уларни қайта тузиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор Ўзбекистон ССР Юстиция халқ комиссариати, Прокуратураси ва Олий суди тизимида бир қанча ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Халқ Комиссарлар Совети ва Марказий Ижроия Комитетининг 1936 йил 20 июлда “СССР Юстиция халқ комиссариатини таш-

кил қилиш тўғрисида” деб чиқарган қарори суд ва прокуратура тизими фаолиятини марказлаштириш ҳамда уларнинг тузилмаларини алоҳида-алоҳида ташкил этишда муҳим ҳужжат бўлди.

1936 йилнинг 8 декабрида СССР ХКС ва МИКИ Совет Иттифоқи Юстиция халқ комиссариатининг янги низомини тасдиқлади. Ана шу низомга мувофиқ Ўзбекистон Олий суди судларнинг фаолиятини бошқариш функциясида озод қилинди ва бу ташкилот республикадаги олий назорат инстанциясига айланди. Шу билан бирга прокуратура, тергов органлари ҳам республика Юстиция халқ комиссариати таркибидан чиқарилди. Низомга кўра, Юстиция халқ комиссариатининг тузилиш таркиби ўзгарди. Унинг таркибига суд муассасалари, адвокатура, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш кодификация бўлими, нотариуслар сектори, юридик маслаҳат берувчи ташкилотлар ва бошқалар киритилди. Булардан ташқари, Юстиция халқ комиссариати республикадаги суд ижрочиларини назорат этиш ва уларга раҳбарлик қилиш, суд статистикасини юритиш ваколатига ҳам эга бўлди. Бу ишларни амалга оширишда ва 1936 йилдаги ССРнинг янги Конституциясини ишлаб чиқишда Давронбек Ахмадбеков муносиб хизмат қилди.

У қайси соҳада бўлмасин юртга, халққа фидойилик билан меҳнат қилди. Шўролар давлати ғояларининг ҳаётга татбиқ қилинишида фаол қатнашди. Етуқ раҳбарлик лавозимларида ишлади. Бироқ у доимо назорат остида бўлди. Фаолиятига шубҳали назар ташлайдиганлар, ҳар бир ҳаракатидан, қилган ишидан хато қидиришга интилувчилар ҳам кўп эди. Шунинг учун 1937 йилнинг 19 февралда ёзган таржимаи ҳолида **“Мен бутун фаолиятимни мамлакатим равнақи, миллатим, халқим бахт-саодати йўлига тикдим. Ҳаётимни ҳақ йўлига бағишладим. Ҳар бир жабҳада қийин, мураккаб бўлган ишларни амалга оширдим. Лекин қилган ишларимга нотўғри баҳо берувчилар, улардан иллат изловчилар доимо топилди турди. Бундай хусуматларга, тўхматларга эътибор бермадим”**, деб фикр билдиради.

Аммо унга нисбатан хусумат ва тўхматлар ўз ишини қилади. Юрт учун қилган хизматларига, ҳақ йўлида ҳаётини бағишлаганига қарамай Давронбек Ахмадбеков 1937 йилнинг 1 октябрида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети бошланғич партия ташкилоти қарори билан революцион ҳаракатларга қарши бўлган буржуа миллатчилари билан ҳамкорлик қилишда айбланиб, партия сафидан чиқарилади.

1937 йилнинг 10 октябрида Тошкент шаҳар Октябрь район комитети юқорида номи кўрсатилган ташкилотнинг қарорини тасдиқлайди. 1938 йил 4 октябрида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси қарорига кўра Давронбек Ахмадбеков отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Ҳукм ўша кунга амалга оширилди.



БУ СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ!

Бола нега етти ёшдан мактабга бориши керак?

– Аксарият ота-оналар фарзанди олти ёшга тўлиши билан уни мактабга беришни хоҳлайди. Хўш, бу қанчалик тўғри? Тиббий нуқтаи назардан бундай болалар ўқув жараёнида қийналиб қолмайдими?

– Албатта, бу савол бугун кўпчилик ота-оналарни қизиқтиради. – Биласизми, бобо-бувиси билан бирга яшайдиган аксарият болажонларни қузатсак, улар тенгдошларига нисбатан анча ақлли ва зийрак бўлади. Ҳатто, айрим олти ёшдаги болаларнинг етти ёшли ўғил-қизларга нисбатан бирмунча ўқувли эканига ҳам гувоҳ бўламиз.

Шу боис кўпчилик ота-оналар етти ёшга тўлмасча ҳам “фарзандим мактабга борсин”, дейди. Ваҳоланки, олти ёшда болалар ҳар қанча ақлли бўлмасин, уларда фикрлаш қобилияти тўлиқ шаклланиб улгурмайди.

Чунки етти ёшгача унинг мияси ўсиш жараёнида бўлиб, айни шу ёшдан кейин такомиллашади. Яъни, бу физиологик ҳолат ҳисобланади.

Қолаверса, бола ҳаётининг еттинчи йилида ундаги ҳаракатлар кўлами кенгайиб, тиниқлашади ва ўзаро мослашув бошланади. Улар ўзини идора этиш, ҳаракатларини назорат қилиш қобилиятига эга бўлади. Етти ёшда диққатни жамлаш, вазиятни баҳолаш ва қийинчиликларга дуч келганда тўғри қарор қабул қилишни ўрганади.

Шунингдек, бу ёшда бола ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниқади, қизиқувчанлиги ортади. Унинг идрок кучи ва тафаккури жадал ривожланади. Моддий борлиқни англашга интилади. Шунингдек, бу ёшда уларда гигиеник малакалар шаклланади.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунда ҳам умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилиниши белгиланган. (<https://lex.uz/docs/5013007>)

Бир сўз билан айтганда, ўғил-қизларнинг мактабга етти ёшдан бориши нафақат уларнинг шахсий ривожланиши, балки келажоғи учун ҳам муҳимдир.

Саволга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўқув-тарбия муассасалари бўйича бош мутахассиси Инобат АҲМЕДОВА жавоб берди.

Адолатли бўл

Адоват эмас, адолат енгар.

Халқ мақоли

Ҳар қандай одам адашиши мумкин. Фақат аҳмоқ адашганини тан олмай, уни ҳаммага маъқуллашишга ҳаракат қилади.

Марк Тулай ЦИЦЕРОН

Қарорлар кўнчилик овоз билан эмас, билим асосида қабул қилиниши керак.

ПЛАТОН

Адашишга элтадиган йўллар сон мингта, ҳақиқатга олиб борадиган йўл эса битта, холос.

Жон Жак РУССО

Ҳаётда “ҳазиллашдим”нинг ортида доим ҳақиқат, “билмадим”нинг ортида билим, “шунчаки”нинг ортида малол ва “ахшиман”нинг ортида бироз оғриқ бўлади.

Стефан ЦВЕЙГ

Ҳақиқатни гапир, шунда ҳеч нарсани эслаб ўтиришга ҳожат қолмайди.

Марк ТВЕН

Ҳақиқат ҳамма халқлар учун ягонадир, аммо ҳар бир халқнинг ўз ёгонлари бор ва уларни миллий менталитет, деб атайдилар.

Ромен РОЛЛАН

Билгин ва сира эсиндан чиқарма – қурбақа қалдирғочнинг гўзал парвозларини аёвсиз танқид қилади.

Федерико Гарсиа ЛОРКА

Инсон ҳамиша яхши ва гўзал, фақат уни эзиб, алдаб ва оёқ ости қилиб ташламасалар бас.

Антон ЧЕХОВ

Тахирсиз хат

МУТАСАДДИЛАРНИНГ КЎЗИ ҚАЕРДА?

Ноқонуний қурилиш ишлари ёхуд ёпиқ эшиклар ҳақида сўз

Мамлакат тараққиёти, халқнинг давлатга бўлган ишончини, аввало, коррупция, ундан сўнг коррупциянинг “каридошлари” емириб, адо қилади. Маълумки, сўнгги ярим йилликда Ўзбекистонда коррупцион жиноятлар ва ноқонуний қурилишларга қарши кураш анчагина жиддий тус олди. Минглаб бинолар қурилиши учун ими-жиммида ноқонуний ажратилган жойлар, олди-сотди қилинган, халқнинг мулки бўлган ерлар секин-аста ўз жойига қайтарилмоқда. Лекин улар аниқланган “ишлар”нинг бир қисми, ҳозир. Тегишли идоралар назарга тушмаган, тушса ҳам назарга илинмаган ёки “назарга илиниши” исталмаган ҳудудлардаги кўпқабатли ноқонуний қурилишлар ҳамон пана-панада қолмоқда. Шундан бири пойтахтнинг Олмазор туманидаги Калонов мавзеси, “Чаманбоғ” маҳалласидаги бўш майдон ҳудудидир.

Хуллас, гап бундай. “Чаманбоғ” маҳалласида бугунги кунда 6 та кўпқаватли уй (дом) мавжуд бўлиб, у ерда 300 дан ортиқ хонадон, мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 500 нафардан кўпроғи эса болалардир. Аммо, афсуски, мана шу мингдан ортиқ аҳолига маҳаллада

жат илова қилиниши керак). Шундан сўнг бу ҳудудни “ютиб олган” шахс 0,0300 гектар ернинг аукционда кўрсатилган шартлари борлигига қарамай, дўкон эмас, балки 6 қаватдан иборат катта бир бино қуриш ишларини бошлаша таратдуд кўрмоқда.

фас олишдан маҳрум қилади. Нега фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинмаяпти? Нега тадбиркорнинг маблағи устун қўйилмапти? Шу билан бирга хавфсизлик талаблари бузилиб, маҳаллий аҳолининг яшаш шариоити янада оғирлаштириб юборилишига ҳам кўз юмиляпти.

Биринчидан, мазкур ҳудуд Тошкент шаҳар қурилиш бошқармаси томонидан тасдиқланган 71-а архитектура режалаштириш топшириғида дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш корхонаси сифатида кўрсатилган ва режага киритилган. Сабаби, бу майдонда 6 та баланд қаватли уйлар учун мўлжалланган электрошит ва ГРП бор. Кўп қаватли турар жой биносини қуриш эса ўта хавфли.

Устига-устак, маҳаллада иккита янги қурилган кўп қаватли уйлар сабаб қолган тўртта уй(дом)да киши мавсуми келиши биланоқ газ босими ва электр токи жуда пасайиб кетиши



Мазкур аукцион ўтказилганига бир йил эмас, салкам

уч йил бўлди. Демак, аукцион баённомаси ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Аммо... Аммо орадан уч йил вақт ўтиб “Construct Side” МЧЖ хусусий фирмаси ноқонуний сотиб олган ерда ва ундан ҳам каттароқ майдонда яна битта кўп қаватли уй қуришга бел боғлаган.

диган хонадон эгаларининг муаммолар гирдобида қолишига замин ҳозирлайди.

Иккинчидан, бир неча йил олдин экилган мевали дарахтлар бугун мева солишни бошлаган. Боғда 100 тупга яқин дарахт ва гуллар бор. Қурилиш ишлари бошланиши ортидан кесилган дарахтлар эса экологияга катта зарар етказди. Ваҳоланки, қурилиш учун экологик экспертлар мутасаддилари бу масалага шунчаки кўп силтаб қўйган. Бугунги экологик таназзул даврида бундай экологик хатарни масъуллар кўриб кўрмаганга олишлари, шунчаки эътиборсиз қарашлари қанчалик тўғри?!

Умуман олганда, бўш ҳудудлар маҳалла билан келишган ҳолда аҳолининг эҳтиёжига кўра, турли мажмуа, маскан қурилиши учун давлат томонидан тендерга қўйилади. “Чаманбоғ” маҳалласидаги ушбу ҳудуд ҳам ана шу меъёрлар бўйича сотилиши керак эди! Ҳудуд 2021 йилда тендерга ноқонуний қўйилди ҳам дейлик, лекин юқорида таъкидлаганимиздек, тендер шартларига кўра, бу ерда савдо дўкони қурилиши керак эди. Аммо ҳудудда савдо дўконлари етарли бўлгани сабаб, бундай маиший хизматга эҳтиёж йўқ. Шу сабабли биз ҳокимлик ва тегишли ташкилотлардан шу ерда ҳордиқ чиқариш учун боғ ёхуд болалар майдончасини қуриб беришини сўрайвериб, ҳокимлик оstonасига қатнайвериш ковушимиз тегишли кетди...

Афсуски, Олмазор туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ва бошқа катта-кичик ташкилоту идораларга қилаётган мурожаатларимиз кумга тушган томчидек исмиз кетмоқда.



ақалли бирорта нафас олиб, ҳордиқ чиқарувчи ер, болалар майдончаси йўқ. Тўғрироғи, бўлиши мумкин эди, токи маҳалладаги кичик бўш ер кимлардир томонидан тадбиркорга ими-жиммида сотиб юборилгунга қадар.

“Чаманбоғ” маҳалласида анча йиллардан буён харобага айланган ётган кичкина бир бўш ер қолган эди. Маҳалла аҳолиси йиллардирки шу хароба жойни болалар майдончасига айлантириб беришини, керак бўлса харажатларини аҳоли ўз ҳисобидан тўлашларини илтимос қилиб, Олмазор тумани ҳокимлиги масъуллари эшигига елиб-югурган. Ҳокимликдан садо чикмагач, Миллий гвардия ходимлари ва маҳалла фаоллари бирлашиб, ҳашар йўли билан ушбу жойни ободонлаштириб, бу ерда мевали боғ барпо қилинганди. Аммо бир неча уйдабурунлар тегишли ҳужжатларни ноқонуний равишда расмийлаштириб, ерни аукцион орқали пуллаб юборишган экан.

Бу тендернинг ноқонунийлик сабабларидан бири шундаки, ер тендерга қўйилиши ва сотилиши ҳақида маҳалла аҳолисидан ҳеч қандай розилиги олинмаган ва аукцион яширин тарзда амалга оширилган (Аукцион шартларидан бири ер тендерга қўйилиши учун маҳаллий аҳолининг розилиги олиниб, тасдиқланган ҳуж-

Қонунга кўра, тендерда ютилган ерда белгиланган қурилиш ишлари белгиланган вақтда бошланмаса, шартнома (яъни, тендер) бекор қилиниши шарт.

Тадбиркор маҳаллага тегишли боғнинг ер майдонини ютиб олган аукцион 2021 йил февраль ойида ўтказилган. Умумий ер майдони 0,0300 гектар бўлган ҳудудда қонун талаби (№ Ю 004-044706 рақамли шартнома) бўйича 03.02.2021 йилги аукцион баённомасида қурилиш муддати 24 ой қилиб белгиланган. Қурилиш ишлари ушбу муддат ичида якунланмаган тақдирда аукцион баённомаси бекор бўлиши назарда тутилган. Бироқ мазкур аукцион ўтказилганига бир йил эмас, салкам уч йил бўлди. Демак, аукцион баённомаси ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Аммо...

Аммо орадан уч йил вақт ўтиб, “Construct Side” МЧЖ хусусий фирмаси ноқонуний сотиб олган ерда ва ундан ҳам каттароқ майдонда яна битта кўп қаватли уй қуришга бел боғлаган.

Хўш, шунча ишнинг бўлари бўлибди, янги уй қурилса қурилар, шунга ота гўри қозихонами, дейишингиз мумкин. Йўқ, ундай эмас. Ассосий муаммолардан бири шуки, бу ерда кўп қаватли бино қурилиши нафақат аҳолини болалар майдончасидан, шу ҳудудда яшовчи қарияларни дам олиш ва тоза ҳаводан на-

кузатилади. Чунки бу ерда мавжуд куворлар кўшимча қурилишга, газ босими, электр таъминотига бардош бера олмайди. Ноқонуний қурилаётган бино эса, ўлганнинг устига тепдандек бир гап. Ҳаттоки бу қурилиш электр энергияси ва газ таъминоти режасига ҳам киритилмаган. Агар фирма бу ерда кўп қаватли турар-жой биносини курса, қолган 6 та кўп қаватли уйлар электр энергияси ва газ таъминотисиз қолади. Бу қурилиш аҳоли фаровонлиги учун эмас, аксинча, шу ерда яшай-

Бизни бир савол қизиқтиради. Нима сабаб шу кунга қадар масъуллар аҳолининг мурожаатларига безътибор бўлиб келишмоқда? Нима учун аҳоли хавфсизлиги, экологияга оид муҳим муаммога кўз юмишмоқда? На аҳолининг, на экологик бошқарманинг ва на қурилиш ишлари бўйича тегишли мутасаддиларнинг розилигисиз иш юритмокчи бўлаётган фирма фаолияти назорат қилинмайдими? Ёки мамлакатимизда жорий этилган қонун-қондалар уларга тааллуқли эмасми? Прокуратура, ҳокимлик тизимлари халқ мурожаатларини шу қадар писанд қилмайдими? Ёки бунинг туб замирида “қарга қарганинг кўзини чўқимайди” қабилидаги бизга номаълум сирлар яширинганми, буниси бизга қоронғи.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, “Чаманбоғ” МФЙ, “Бешиқўрган” кўчасида яшовчи фуқаролар: Ш.Назаров, Р.Таджиев, М.Таджиев, Б.Магруппов, З.Исломов, М.Ғуломов, Ш.Абидхўжеева, Д.Азимова, В.Иваева, Д.Нуруллаева, Б.Усмонов... (жамми 49 та имзо)

Муносабат

ТЕХНОЛОГИК ПАРК

ёшлар марказига айланади



Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳаси жадал ривожланмоқда. Кейинги етти йилда юртимизда IT компаниялари сони 147 тадан 2 минггага ошди. Уларда 30 минг нафар ходим юқори даромадли иш билан банд бўлиб, 70 минг нафардан зиёд ёшлар IT билан мустақил шугулланмоқда.

Амангул ЕСЕМУРАТОВА,
«Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот котиби



Шаҳримизнинг бундан уч йил олдин кўримсиз, эски иморатлардан иборат бўлган ҳудудда умумий майдони 10 600 квадрат метрдан иборат 17 қаватли мухташам Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг Қорақалпоғистон филиали қад кўтарди.

Президентимиз жорий йилнинг 19 август куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида мазкур замонавий IT паркида бўлиб, IT парк резидентлари, ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар билан мулоқот қилди. Ёшларнинг фикрларини тинглаб, тақлифларини қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Масалан, аввал АҚШнинг Amazon компаниясида ишлаган қорақалпоғистонлик Бекназар Абдикамалов юртимизга қайтиб, ўзининг HURO стартапига 4 миллион доллар сармога жалб қилган. Давлатимиз раҳбари у билан суҳбатлашиб, ташаббусини қўллаб-қувватлади.



Бинода UZINFOCOM марказининг филиали ҳам жойлашган. Марказ ёшларни Ustudy дастури орқали замонавий касбларга ўқитади ва малакаси оширилган кадрларни ўз соҳаси бўйича замонавий компанияларга ишга жойлайди. Давлат раҳбари юртимизнинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик асосида шундай кўп қаватли бинолар қуриш зарурлигини таъкидлади.

– Уларда муҳим шундай бўлиши керакки, ёшлар ўзини эркин ҳис қилсин. Овқатланиш, дам олиш, спорт ва бошқа хизматлар мужассам бўлсин. Бинолар шаҳарлар марказида, ёшларга қулай жойда бўлгани маъқул, – деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ишонимизки, ўз ўрнида қорақалпоқ ёшлари билдирилган ишонч ва эътибордан мамнун ва миннатдор бўлиб, янги марралар ва янги ислохотлар даврида фаол иштирок этадилар.

Фахр

ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ СОТИЛМАЙДИ

Францияда дўппимизни 5000 еврога сотишимизни сўрашди

Францияда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик фан клуб аъзоларининг стадионларда астойдил мухлислик қилишгани, Париж кўчаларида миллий кўшиқларимизни айтиб юришгани ижтимоий тармоқларда анча шов-шув бўлди. Уларнинг орасида катта дўппи кийиб олган ишқибоз андижонлик Нодирбек Тўйчиев ҳам бор.



Дарвоқе, эслатиб ўтамиз, 2022 йилда Андижон вилояти ҳокими спортнинг ашаддий мухлиси дея Нодирбекка "Tracker" автомобили совға қилган. – 1986 йилда футболга кириб келганман, – дейди у. – Андижон ёшлар жамоасида 5-рақамда тўп сурардим. Кейинчалик миллионлар ўйинига ишқибозлигим ҳаётим мазмунига айланди. Ўзбекистонлик мухлислар сафида Қатар, Хитой, Индонезия, Сингапур, Таиланд каби қатор мамлакатларда халқроқ мусобақаларни бориб кўриш nasib этди. Дунёнинг қай юртига бормаи, бошимда мана шу катта дўппи бўлган.

– Қачондан буён катта дўппи қиясиз? – Диагонали 50x50 сантиметр ўлчамдаги дўппини дастлаб 2009 йил Мисрдаги мусобақаларга бориш олдидан онаминг катта опалари – Карима холам тикиб берган. Ўшандан буён ишқибозлар сафида шу бош кийимданаман. Париж-2024 ўйинларида ҳам Ўзбекистон фан клуби аъзолари сафида бордим. Йирик мусобақаларда стадионнинг ўзида спортчиларимизни қўллаб-қувватлашнинг завқи бошқача бўлади.

Фан клубимиз катта жамоа. Унинг сафида турли касб эгалари бор. "Темурийлар келди! Бобурийлар келди!" деган хитоб билан Ватанимизни, унинг мард ва азамат ўғил-қизларини, тинч ва фаровон юртимизни мадҳ этувчи шеър ва кўшиқлар ўша ернинг ўзида яралиб, куйлади. Бу она тупроққа муҳаббат, юртга садоқат, Янги Ўзбекистон ютуқларидан ғурурланиш, ифтихорнинг ёрқин рамзидир.

Энг қизиғи, Париж кўчаларида миллий кўшиқларни баралла айтиб юрар эканмиз, бутун дунёдан келган одамлар "Ўзбекистан, Ўзбекистан" дея биз билан суратга тушишга ошқибди. Ҳатто, бошимдаги дўппимни 5000 еврога сотишимни сўрашди. Бу ўзбекнинг ғурури, шаъни. Пулга сотилмайди, деганимизни эшитиб, яна бир бор бизга тан беришди.

Гулжаҳон ЖАББОРОВА сўхбатлашди

Хикмат

- Исон дарё кабудир, фақатгина юзаси кўрилади... Тубида нима яширинган, қандай тўфонлар бўлмоқда – билиб бўлмайди.
- Нияти ёмон инсондан эмас, ниятининг ёмонлигини сир тутган одамдан кўрқ!
- Унутманг! Дунёда яшамаяпсиз, ундан ўтиб боряпсиз.

Жалолидин РУМИЙ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 800

Адаби – 3004
Босишга топширини вақти – 21.00
Босишга топширилади – 21.10
Баҳоли келишилган нархда

Тахририятга келган қўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босямаҳонасида чоп этилади.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Муносабат

БОЛА ОҒИР ЮК

Кўтармаслиги керак!

Бугунги кунда дунёда 10-18 ёшлилар орасида энг кўп учраётган ортопедик касалликларнинг 20 фоизини сколиоз касаллиги ташкил қилади. Шунингдек, беморларда аниқланаётган сколиознинг энг кенг тарқалган тури ёхуд ташхис қўйилган ҳолатлардан 80 фоизи идиопатик сколиоздир. Бу Бельгия ортопедия ва сколиоз ташхиси маркази тадқиқотларида аниқланди. Касаллик асосан оғир жисмоний меҳнат ва юк кўтариш натижасида келиб чиқади. Афсуски, охириги йилларда ушбу касалликнинг ўзбекистонлик болалар орасида ҳам тарқалаётгани бор гап.

**Илҳомжон АБДУҚАЮМ ўғли,
"Адолат" СДП Марказий аппарати
Ташкилий-партиявий, ахборот-таҳлил ва
назорат бошқармаси етакчи мутахассиси**

СКОЛИОЗ АСЛИДА ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Сколиоз – бу мушак-скелет тизими касаллиги, умуртқа орталиги дисклад, боғлов аппарати ва улар атрофидаги мушакларнинг қайтмас дегенератив ўзгаришлари билан боғлиқ кечиб, унинг асосий аломати умуртқа поғонаси деформацияси ҳосил бўлишидир. Сколиознинг оғир шакллари тана билан боғлиқ ички органларда ва танада яққол косметик нуқсонлар ҳосил қилади. Касаллик асосан оғир жисмоний меҳнат ва юк кўтариш оқибатида юзага келади. Бошқа сабаблар сифатида мутахассислар яхши овқатланмаслик, очик ҳавода сайр қилмаслик, етарли ухламаслик, сузиш, гимнастика билан шуғулланмаслик, мактабда болаларга мос келмайдиган парта ва стулларда ўтиришни келтиришмоқда. Қайд қилинишича, сколиоз касаллиги 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ёшларда (кўпроқ қиз болаларда) учрайди. Унинг профилактикасида боланинг қадади-қоматига чақалоклик давриддан эътибор қаратиш бирламчи аҳамиятга эга.

ШИФОКОР МУНОСАБАТИ

– Бу касаллик умуртқанинг ўнг ёки чап ён тарафга қийшайиши натижасида пайдо бўлади, – дейди малакали ортопед, профессор Аҳрор Жўраев. – Сколиознинг ёйсимон, «С» шаклига ўхшаш турлари мавжуд бўлиб, 4 хил даражада ривожланади. Энг оғир даражаси тўртинчи босқич ҳисобланиб, у боланинг ички аъзоларида патологик ўзгаришларни юзага келтиради. Болани ташқаридан кузатсангиз, унда букрилик ҳолатини сезасиз. Оёқ соҳаларида фалажлик, невралгия, парез қайд қилинади. Касалликни даволамаса, унинг хуружи натижасида умуртқанинг ўз ўқи атрофида айланиб кетиши оқибатида яна ҳам мураккаб деформацияловчи асоратлар пайдо бўлади. Бундай нуқсонлар ўз-ўзидан боланинг ички аъзолари ўрнидан силжишга сабаб бўлади ва уларнинг функцияси бузилишига олиб келади. Упка, юрак-қон системаси иши бузилади. Сурункали ҳаво етишмагандек бўлади. Азар сколиоз касаллигининг бошланғич даражасида тиббий ёрдам берилмаса, келажакда бола ноғирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

КИЧИК ЖУССАЛАРНИНГ КАТТА ТАШВИШЛАРИ

Мен яшайдиган туман узумчиликка ихтисослашгани боис ёзинг иссиқ саратонидан кеч кузнинг изгиринли совуқ пайтигача улкан юк машиналари тинмай қатнаб, хорижга узум ташиди. Узюқ йиллардан буён миришкорлик бобида парктентликларнинг ўзига хос тажрибаси тилларда дoston бўлиб келади. Кўпчилик қаторида биз ҳам ўзимизга тегишли 1.5 гектарлик ҳудудда узум етиштиришимиз. Деҳқоннинг меҳнатини кўп ҳолда арзимас баҳолаб, пишиқчилик пайти мўмай даромад топадиган "харидорларимиз"га бир кунда 80-100 қути узум етказиб берамиз.

Шундай кунларнинг бирида акам фавқулодда уйга кетадиган, унинг ўрнига эса юкни мен ва дадам топширадикан бўлдик. Қабул қилаётган жойга бориб, навбатимиз келганда, 100 та 10-12 килограммлик кутиларни "фура"га орта бошладик. Юк ярмига етмасдан чарчаб, нафасим бўғзимга тикилди. Амаллаб ҳаракат қилаётганимни кўрган харидор: "Ҳей, тезроқ бўлсанг-чи. Сендан икки-уч ёш кичик укаларинг анави ерда юкни ўзлари ортапти. Уялмайсанми?" деб пичинг қилди. Қарасам, ҳақиқатан ҳам, кўшни мактабнинг 8-9-синф болалари бу ишни гўёки "кўзини юмиб" бажаришар, жуда тез ишлашарди.

Юкни топшириб бўлгандан кейин "супермен" болаларнинг олдига бориб, шунча кучни қардан олишларига қизқидим.

– Утган йили дўстим Санжар мени "фура"га, юкни скотчлаш учун олиб чиқа бошлади, – дейди 8-синф ўқувчиси Абдуллоҳ. – Тўғриси, ота-онам бунга қарши бўлишди. Юк мен тенгеи ёшлар у ёқда турсин, ҳатто катталарни ҳам бир-икки кунда "маклатиб" қўйишини айтишди. Лекин менга пул керак. Баъзи "проблема"ларим бор эди. Ававалига қийналдим. Эсимда: биринчи кун ишдан кейин 3 кун уйда гавадани кўтара олмай ётдим. Бироқ секин-секин орада танафуслар билан юкка чиқдим. Мана, ҳозир қийналмаяман.

Қишлоқ жойларида боланинг кичиклигидан бошлаб оғир жисмоний меҳнат қилиш одат тусига кирган. Айниқса, эрта кўкмадан тортиб, то кеч юзгача мактабнинг 5-, ҳаттоки, 4-синф ўқувчисида бошлаб, ҳар бир бола бу жараёнда фаол иштирок этади, бир неча километрдан сув ташийти, юк кўтаради, деҳқончилик ва

боғдорчилик юмушларида доимий қатнашади. Англаганингиздек, мактаб сумкаси денгиздан бир томчи, холос. Бу ишларда қийналаётган, жисмоний кучи етмаётган боласини кўриб, уни озод қилувчи ота-оналардан кўра фарзандини кичиклигидан ишлатиш орқали гўёки катта ҳаётга "тайёрловчи" ота-оналар кўп.

Мутахассислар мактабга ўқувчи кўтариб борадиган сумканинг оғирлиги бўйича кунлик меъёр даражасини белгилаб берган. Унга кўра, бир кунда 1-2-синф ўқувчилари 1,5 килограмм, 3-4-синф ўқувчилари 2,2 килограмм, 5-6-синф ўқувчилари 2,5 килограмм, 7-8-синф ўқувчилари 3 килограмм, 9-11-синф ўқувчилари 3,7 килограмм юк кўтариши керак.

Табиики, мактабга қадам қўйган ва улкан мақсадларни олдига қўйган ҳар бир ўқувчи яхши ўқиб, намунали хулқ эгаси бўлишга интилади. Сумкалар эса 4-5 килограммдан кам бўлмайди. Бола синфдан-синфга кўчгани сайин юк ҳам юқоридаги меъёрга нисбатан ошиб бораверади. Аммо 10-11-синф ўқувчилари сумкасида 3,7 килограммлик дарслик ва ўқув қуроллари тугул, 1 та китоб кўтариб боришга эринаятганлари ҳам ҳақиқат. Лекин улар аллақачон катталик оламини кириб бўлган, кўпи мактабни битирмасдан оғир ишлар билан банд бўлмоқда. Баъзи ота-оналарнинг фарзандларига "ўқиб шаҳар олиб бермаслигини" иддао қилиб, пул топишга ундаши ёшларнинг физиологияси ва саломатлигига жиддий зарар етказиши тайин.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛИК КОНУН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Келинг, шу ўринда мамлакатимизда болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, шахсий дахлсизлиги кафолатланиши, умуман, болалар ҳаётига бўлган муносабат ҳақида озгина фикр юритсак.

"Сенинг ёшингда фалон иш қила олардим", "Сендек пайтимда писмадон иш қилишга қурбим етган" каби катталар иддаолари барча болаларга бегона эмас. Шунинг учун ҳали мактабни битирмасдан оғир ишчи кучи талаб қиладиган нуқталарда, мардикорликда, қурилишда, ҳаттоки юқоридаги каби биз тасаввур ҳам қила олмай диган катта ҳажмдаги юк кўтариш жараёнида болалар салмоғи юқори. Наҳотки, буларни кўриб-қўрмаганга, билиб-билмаганга олиш билан вазият ўнганса? Нега болаларни катталар мақсади, режаси йўлида оғир ишларга жалб қилиб, улардан арзон ва ҳаттоки текин ишчи кучи сифатида фойдаланиш керак?

Ойбекнинг "Болалик хотираларим", Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртақлар" ёхуд Худойберди Тўхтабоевнинг "Беш болали йигитча" асарларини ўқиб, улардаги қаҳрамонларнинг йўқотилган болалигига гувоҳ бўламиз. Ёки бўлмаса, "Шум бола"ни олайлик. Эътибор бериш, мазкур

Ҳа, ушбу қонун билан ўзбек болалари тақдирини ижобий томонга ўзгартириш, ўзбек менталитетидаги "ўлмади, одам бўлади, ҳаётни кўради" қабилидаги қарашларни жидаий ўзгартиришга умид боғлаш мумкин. Балки шу орқали болаларнинг биз кўтараётган мавзу доирасида оғир юк кўтаришга жалб қилиниши кескин камайар. Бунинг учун қонуннинг ижрога қаратилиши самарали амалга ошириласа, бу борада жамоатчилик ва ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигини изчил давом эттирса, етарли.



"Сенинг ёшингда фалон иш қила олардим", "Сендек пайтимда писмадон иш қилишга қурбим етган" каби катталар иддаолари бугун ҳар бир болага бегона эмас. Шунинг учун ҳали мактабни битирмасдан оғир ишчи кучи талаб қиладиган нуқталарда, мардикорликда, қурилишда, ҳаттоки юқоридаги каби биз тасаввур ҳам қила олмай диган катта ҳажмдаги юк кўтариш жараёнида болалар салмоғи юқори.

асарлардаги воқеалар, асар қаҳрамонларидаги муаммолар, турмушидаги чигал вазиятларнинг барчасига ўша даврдаги оғир тузум, ижтимоий абгор вазият сабаб бўлган. Аммо шунда ҳам асар қаҳрамони сифатида талқин қилинган болалар ҳаётини ташвишсиз, ўйинқарок, бахтли болаликка қийёсласак бўлади. Лекин, таассуфки, бугун ёшлар, хусусан, болаларнинг ўқиб-ўрганиши, соғлом ва баркамол вояга етиши учун барча шарт-шароит мавжуд бўлса-да, улар катталар томонидан турли хилдаги зўравонликлар қурбон бўлиб қолаётгандай. Маълумотларга кўра, ўтган 2023 йилда болаларнинг оғир меҳнатга жалб қилиниши, кадр-қиммати камситилиши, билинг(майда зўравонлик)га учраш ҳолати кескин ошган. Бу эса амалдаги қонунчилик механизминини қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг 55-ялпи мажлисида "Болаларни зўравонликнинг барча турларидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинганини эшитган ҳар қайси онгли одам борки, энди юртимизда ҳар бир бола учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя яратилганини эътироф этмоқда.

Қайд қилинишича, қонун билан болаларга нисбатан зўравонликнинг, оғир меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш бўйича умумий ва индивидуал чоралар белгиланапти. Хусусан, зўравонликдан жабрланган болага ҳимоя ордерини расмийлаштириш, оилада ота-онаси ёки яқин қариндошлари томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф соладиган зўравонлик ҳолатлари аниқланганда, уни оиладан олиб қўйиш ва ҳавфсизлигини таъминлаш, зўравонликни содир этган ёки уни содир этишга мойил шахсларга хулқ-ахлоқини тазатиш чораларини қўллаш ва ҳоказо.

– Бу қонун болаларга нисбатан зўравонлик, камситиш ва эксплуатация ҳолатларига қарши ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимояни таъминлайди, шунингдек, у ҳар бир боланинг ҳавфсиз муҳитда ўсиб-улгайиш ҳуқуқини ҳимоя қилади, – дейди UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Реҳина Кастижио "Kip.uz" нашрига берган интервьюсида. – Бундан ташқари, қонун бола ҳуқуқлари бўйича халқроқ конвенцияларга тўла мос келади ва Ўзбекистон болаларни ҳамма жойда – уйда, мактабда ва жамиятда ҳимоя қилиш қўллаб-қувватлаганидан фахрланади ва биз унинг тўла амалга оширилишини таъминлаш учун ҳукумат билан яқин ҳамкорликни давом эттирамиз. Ушбу қонун қонунчиликдаги шунчаки бир норма эмас, балки ўзбекистон фарзандларининг келажаги учун мажбурият ҳамдир.

Ўқимлар:
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матқубов
Масъул котиб – Абдуғани Солиқов



Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тоғи" кўчаси, 23-уй.



Муассис: "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислам ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талғат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантни юклаб олинг!

